
Халқ депутатлари Тошлоқ тумани Кенгашининг 17 декабрь куни бўлиб ўтиши белгиланган сессиясида туман ҳокимининг Мурожаати эшитилади

Халқ депутатлари Тошлоқ тумани Кенгашининг эллагинчи сессияси 17 декабрь санасига белгиланди.

Сессияда туман ҳокимининг туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича жорий йилда амалга оширилган ишлар ва 2022 йил учун белгиланган энг устувор йўналишларга бағишланган Мурожаати эшитилади.

Сессия ишида туман сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, ташкилот ва корхоналар, муассасалар раҳбарлари, туман фаоллари, ОАВ вакиллари ҳамда блогерлар иштирок этиши белгиланган.

Сессия ўз ишини шу куни соат 14:00 да, туман ҳокимлиги катта мажлислар залида бошлайди.

2021-12-16 22:14:01